

“XOVRENKO NOMIDAGI SAMARQAND VINO KOMBINATI
акциядорлик жамияти акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши

Б А Ё Н Н О М А С И

Йиғилиш ўтказилган жой: Самарқанд шаҳри, М.Қошғари кўчаси, 58-уй.

Йиғилиш ўтказилган сана ва вақти: 2022 йил 30 июнь, соат 11-00.

Йиғилиш тури: Навбатдаги йиллик.

Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши кузатув кенгашининг 2022 йил 2 июндаги йиғилиш қарорига асосан чақирилган.

Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида акциядорларга маълумот етказиш:

Жамиятнинг ягона расмий веб-сайти “<http://www.xovrenko.uz/>” да жойлаштирилган, 2022 йил 24 июн ҳолатида шакллантирилган акциядорлар реестри асосида акциядорларга уларнинг номига билдиришнома юборилган.

Жамият томонидан чиқарилган жами акциялар сони 3 066 640 дона эгасининг номи ёзилган оддий акцияларни ташкил қилади.

Йиғилишга қатнашганлар:

1. Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги “UzAssets Investitsiya kompaniyasi” акциядорлик жамияти вакили Махмараимов Сухроб Ўктамович 2 182 860 та овоз билан (2022 йил 29 июндаги 23-1-сонли ишончнома);

2. Жисмоний шахс бўлган акциядорлар 5 киши жами 204 000 та овоз билан иштирок этдилар.

Таклиф этилганлар:

1. Х.С.Азимов - жамият бошқарув раиси в.в.б;
2. У.Н.Шарипов - жамият бошқаруви раиси ўринбосари;
3. Д.Н.Шералиев - жамият бош ҳисобчиси;
4. Р.А.Раджабова - бўлим бошлиғи;
5. С.Л.Туйгунов - жамият бош муҳандиси;
6. Ж.Джумаев - жамият бош технологи.

Йиғилишни Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги “UzAssets Investitsiya kompaniyasi” акциядорлик жамияти вакили С.Махмараимов олиб борди ва йиғилишда қуйидаги тартибда овоз беришни таклиф қилди:

- йиғилиш ишчи органи (Президиум ва котиби), регламенти ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш - очик овоз бериш йўли билан;
- йиғилишнинг кун тартибидаги масалалар бўйича - ёпиқ овоз бериш йўли билан (овоз бериш бюллетенлари орқали).

Таклиф овозга қўйилди. Таклиф очик овоз бериш йўли билан бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилиш раиси С.Махмараимов умумий йиғилишни қонун доирасида олиб бориш учун умумий йиғилиш президиуми, раиси ва котибини сайлаш учун номзодларни кўрсатишни таклиф этди.

Р.А.Раджабова сўз олиб, қуйидаги номзодларни умумий йиғилиш президиумига, йиғилиш раислиги ва котиблигига сайлашни таклиф қилди.

Йиғилиш президиуми:

1. Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги “UzAssets Investitsiya kompaniyasi” акциядорлик жамияти вакили С.У.Махмараимов;
2. Х.С.Азимов - жамият бошқаруви раиси в.в.б.

Очик овоз бериш йўли билан бир овоздан қуйидагилар сайланди:

- йиғилиш президиуми - С.У.Махмараимов, Х.С.Азимов;
- йиғилиш раиси - С.У.Махмараимов;

- йиғилиш котиби - С.Ашурова.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси С.У.Махмараимов акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишини очик деб эълон қилди ва Президиумдан ўз жойларини эгаллашларини сўради.

Санок комиссияси таркибини тасдиқлаш бўйича йиғилиш раиси С.У.Махмараимов сўзга чиқиб, санок комиссияси таркибига қуйидаги номзодларни таклиф қилди:

- Зухурова Наргиза Муйиновна - акциядор;
- Хайитова Матлюба Равшановна - акциядор;
- Раджабова Рано Анваровна - акциядор.

Ушбу номзодлар овозга қўйилди ва очик овоз бериш йўли билан бир овоздан сайланди.

Умумий йиғилиш қарор қилади:

Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши санок комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

- Зухурова Наргиза Муйиновна - акциядор;
- Хайитова Матлюба Равшановна - акциядор;
- Раджабова Рано Анваровна - акциядор.

Жамият акциядорларининг умумий йиғилишига катнашиш учун рўйхатдан ўтган акциядорларни жамлаш натижалари ва йиғилиш кворумини аниқлаш учун йиғилиш раиси С.Махмараимов сўзни санок комиссияси раиси Н.М.Зухуровага берди.

Санок комиссияси раиси Н.М.Зухурова сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 68-моддасига асосан агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлишини эслатиб ўтди. Шунга асосан йиғилишда жами 2 386 860 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 6 та акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтганлигини ва йиғилиш кворуми 77,8 фоизни ташкил қилганлигини маълум қилди.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси С.Махмараимов сўзга чиқиб, “Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши томонидан тайёрланган ва Корпоратив ахборот ягона расмий портали расмий веб-сайти “<http://www.xovrenko.uz/>”да жойлаштирилган эълон билан маълум қилинган йиғилиш кун тартибини ўқиб эшиттирди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Санок комиссияси янги таркибини сайлаш.
2. Жамият акциядорларининг 2021 йил якунлари бўйича йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
3. Жамият бошқарув органининг 2021 йилда Бизнес-режа кўрсаткичлар параметрлари бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботи.
4. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича жамият ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан берилган хулосани тасдиқлаш.
5. Жамият тафтиш комиссиясининг 2021 йил якунлари тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича мустақил ташкилот хулосасини маъқуллаш.
7. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини, шу жумладан баланс, молиявий натижалар, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш;
8. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш;
9. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича жойлаштирилган акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартибини тасдиқлаш;

10. Жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботини эшитиш;

11. Жамиятнинг 2022 йил учун Бизнес режасини тасдиқлаш;

12. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини кейинги йиллик умумий йиғилишга қадар сайлаш;

13. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини кейинги йиллик умумий йиғилишга қадар сайлаш;

14. Жамиятнинг бошқарув раисини кейинги йиллик умумий йиғилишга қадар сайлаш.

1. Кун тартибдаги биринчи масала (*Жамиятнинг санок комиссияси янги таркибини сайлаш*) бўйича йиғилиш раиси С.Махмараимов сўзга чиқиб, акциядорларни санок комиссияси янги таркиби билан таништирди ва акциядорларга овоз бериш учун мурожаат қилди.

1. Н.М.Зухурова - акциядор;

2. Р.А.Раджабова - акциядор;

3. М.Р.Хайитова – акциядор.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор - 2 386 860 та овоз, 100%, қарши - 0, бетараф - 0.

2. Кун тартибдаги иккинчи масала (*Жамият акциядорларининг 2021 йил якунлари бўйича йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш*) бўйича йиғилиш раиси С.Махмараимов сўзга чиқиб, акциядорларни регламент билан таништирди ва акциядорларга овоз бериш учун мурожаат қилинди.

Навбатдаги умумий йиғилиши

РЕГЛАМЕНТИ:

1. Санок комиссияси янги таркибини сайлаш. (*Маърузачи: Жамият Кузатув кенгаши котиби - С.Ашурова*) 5 дақиқа;

2. Жамият акциядорларининг 2021 йил якунлари бўйича йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш; (*Маърузачи: Жамият Кузатув кенгаши котиби - С.Ашурова*) 5 дақиқа;

3. Жамият бошқарув органининг 2021 йилда Бизнес-режа кўрсаткичлар параметрлари тўғрисидаги ҳисоботи. (*Маърузачи: Жамият Бошқаруви раиси в.в.б - Х.С.Азимов*) 10 дақиқа;

4. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича жамият ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан берилган ҳулосани тасдиқлаш. (*Маърузачи: Аудиторлик ташкилоти аудитори*) 10 дақиқа;

5. Жамият тафтиш комиссиясининг 2021 йил якунлари тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш. (*Маърузачи: Жамият тафтиш комиссияси аъзоси - А.Саттаров*) 10 дақиқа;

6. Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича мустақил ташкилот ҳулосасини маъқуллаш. (*Маърузачи: Бошқарув раиси маслаҳатчиси - С.Ашурова*) 10 дақиқа;

7. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини, шу жумладан баланс, молиявий натижалар, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботларини тасдиқлаш; (*Маърузачи: Жамият бош ҳисобчиси - Д.Н.Шералиев*) 10 дақиқа;

8. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш; (*Маърузачи: Жамият бош ҳисобчиси - Д.Н.Шералиев*) 10 дақиқа;

9. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича жойлаштирилган акцияларнинг ҳар-бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартибини тасдиқлаш; (*Маърузачи: Жамият бош ҳисобчиси - Д.Н.Шералиев*) 10 дақиқа;

10. Жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботини эшитиш; (*Маърузачи: Жамият Кузатув кенгаши раиси - С.Махмараимов*) 10 дақиқа;

11. Жамиятнинг 2022 йил учун Бизнес-режасини тасдиқлаш; (*Маърузачи: Жамият бизнесни стратегик ривожлантириш бўлими бошлиғи - Р.А.Раджабова*) 10 дақиқа;

12. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини кейинги йиллик умумий йиғилишга қадар сайлаш; (*Маърузачи: Жамият Кузатув кенгаши раиси - С.Махмараимов*) 10 дақиқа;

13. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини кейинги йиллик умумий йиғилишга қадар сайлаш; *(Маърузачи: Жамият Кузатув кенгаши раиси - С.Махмарамов) 10 дақиқа;*

14. Жамиятнинг бошқарув раисини кейинги йиллик умумий йиғилишга қадар сайлаш; *(Маърузачи: Жамият Кузатув кенгаши раиси - С.Махмарамов) 10 дақиқа.*

- Мунозаралар учун - 5 дақиқа;
- Маълумотлар ва саволларга жавоб бериш учун - 5 дақиқа;
- Овоз бериш ва бюллетенларни йиғиш учун - 10 дақиқа.

Йиғилишни 1 соат давомида, яъни соат 12:00га қадар танаффуссиз тугатишни таклиф қилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор - 2 386 860 та овоз, 100%, қарши - 0, бетараф - 0.

3. Кун тартибдаги учинчи масала *(Жамият бошқарув органининг 2021 йилда Бизнес-режа кўрсаткичлар параметрлари тўғрисидаги ҳисоботи)* юзасидан жамият бошқарув раиси в.в.б Х.С.Азимов сўзга чиқиб, жамият ижроия органининг 2021 йил якунлари бўйича ва 2022 йил бизнес-режасини бажарилиши бўйича ҳисоботи билан акциядорларни таништирди.

Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи бўйича молиявий кўрсаткичлари қуйидагича:

- **соф тушум** 17 912 702,0 минг сўмни ташкил этган бўлсада, жамиятнинг 2021 йил учун тасдиқланган Бизнес-режаси кўрсаткичида 75 970 000,0 минг сўм миқдорида белгиланган бўлиб, режага нисбатан **58 057 298,0 минг сўмга (76 фоиз) камайган;**

- **соф фойда** 117 129,0 минг сўмни ташкил этиб, Бизнес-режаси кўрсаткичида 864 464,0 минг сўм миқдорида белгиланган бўлиб, режага нисбатан **747 335,0 минг сўмга (86 фоиз) камайган;**

- **дебиторлик** 4 365 524,0 минг сўмни ташкил этган ва йил бошига (3 795 444,0 минг сўм) нисбатан **570 080,0 минг сўмга (15 фоиз) кўпайган;**

- **кредиторлик** қарздорликлари 9 254 823,0 минг сўмни ташкил этган ва йил бошига (7 631 189,0 минг сўм) нисбатан **1 623 634,0 минг сўмга (21 фоиз) кўпайган;**

- **иш ҳақидан қарздорликлар** 201 130,0 минг сўмни ташкил этган.

Х.С.Азимов ўз маърузасида жамиятнинг ўтган 2021 йилда эришган ютуқлари, йўл қўйилган камчиликлар, Бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилмаганлиги сабабларини ва 2022 йилда қилиниши лозим бўлган жамиятнинг стратегик масалаларини айтиб ўтди.

Йиғилиш раиси ҳисобот юзасидан танқидий фикрларни билдирган ҳолда жуда каттик эътирозлар билан жамият бошқарув органининг 2021 йилда бизнес-режа кўрсаткичлар параметрларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботи “қониқарсиз” деб топилишини таклиф қилди:

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овозга қўйилган масала бўйича таклиф ва мулоҳазалар тушмади.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор - 2 386 640 та овоз, 100%, қарши - 0, бетараф - 0.

4. Кун тартибдаги туртинчи масала *(Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича жамият ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан берилган хулосани тасдиқлаш)* жамият бош ҳисобчиси Д.Н.Шералиев сўзга чиқиб, жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолиятини “ХВ Finanse kolsulting” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текшируви ўтказилганлигини маълум қилди ва йиғилиш қатнашчиларига жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижаси юзасидан “ХВ Finanse kolsulting” МЧЖ аудиторлик ташкилоти ҳисоботини ўқиб эшиттирди.

Жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолиятини ўтказилган аудиторлик текшируви натижаси бўйича “ХВ Finanse kolsulting” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан берилган ҳисоботи жамиятнинг молиявий ҳисоботлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ келиши кўрсатилган ва ҳаққонийлиги тасдиқланган ҳамда асосий воситалар кирими ва

чиқими, акциз маркаларини маҳсулотларни сотиш билан бирга ҳисобдан чиқариш, спирт акцизини ҳисобга олишни ҳисобини тўғирлаш, қарзга олиш маблағларини камайтириш тўғрисида таклифлар берилган.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича жамият ташқи аудитори “ХВ Finance konsulting” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан берилган ҳисоботи тасдикланишини таклиф қилди:

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор - 2 386 640 та овоз, 100%, қарши - 0, бетараф - 0.

5. Кун тартибидаги бешинчи масала (*Жамият тафтиш комиссиясининг 2021 йил якунлари тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш*) бўйича тафтиш комиссияси аъзоси А.Саттаров сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига 2021 йил якуни бўйича жамият молия-хўжалик фаолиятини ўтказилган текшириш натижаси бўйича тафтиш комиссиясининг ҳисоботини ўқиб эшиттирди.

Шунингдек, жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи бўйича молиявий кўрсаткичлари қуйидагича:

- **соф тушум** 17 912 702,0 минг сўмни ташкил этган бўлсада, жамиятнинг 2021 йил учун тасдиқланган Бизнес-режаси кўрсаткичида 75 970 000,0 минг сўм миқдорида белгиланган бўлиб, режага нисбатан **58 057 298,0 минг сўмга (76 фоиз) камайган;**

- **соф фойда** 117 129,0 минг сўмни ташкил этиб, Бизнес-режаси кўрсаткичида 864 464,0 минг сўм миқдорида белгиланган бўлиб, режага нисбатан **747 335,0 минг сўмга (86 фоиз) камайган;**

- **дебиторлик** 4 365 524,0 минг сўмни ташкил этган ва йил бошига (3 795 444,0 минг сўм) нисбатан **570 080,0 минг сўмга (15 фоиз) кўпайган;**

- **кредиторлик** қарздорликлари 9 254 823,0 минг сўмни ташкил этган ва йил бошига (7 631 189,0 минг сўм) нисбатан **1 623 634,0 минг сўмга (21 фоиз) кўпайган;**

- **иш ҳақидан қарздорликлар** 201 130,0 минг сўмни ташкил этган.

Ҳисобот юзасидан бошқа саволлар бўлмади. Йиғилиш раиси 2021 йил якунлари бўйича жамият тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлашни таклиф қилди:

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор - 2 386 640 та овоз, 100%, қарши - 0, бетараф - 0.

6. Кун тартибидаги олтинчи масала (*Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича мустақил ташкилот хулосасини маъқуллаш*) бўйича бошқарув раиси маслаҳатчиси С.Ашурова сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувининг замонавий услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сонли Фармони, жамиятда қабул қилинган Корпоратив кодексни мажбуриятлари асосида 2021 йил якуни бўйича жамиятда корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳоланишини амалга ошириш учун мустақил ташкилот танлаш учун танлов эълон қилинди ва Depozitariy “Samarkand Vaqt” МЧЖ ўз хулосасида бизнинг жамиятимизда корпоратив бошқарув тизими фаолиятига қониқарли баҳо берилганлигини маълум қилди ва ҳисоботини тасдиқлаб беришни сўради.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича мустақил ташкилот хулосасини маъқуллашни таклиф қилди:

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор - 2 386 640 та овоз, 100%, қарши - 0, бетараф - 0.

7. Кун тартибдаги еттинчи масала (Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини, шу жумладан бухгалтерия баланс, молиявий натижалар, фойда ва зарарлар ҳисоботларни тасдиқлаш) бўйича жамият бош ҳисобчиси Д.Н.Шералиев сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларини жамиятнинг 2021 молия-ҳўжалик фаолияти якуни бўйича йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, даромад ва зарарлар ҳисоботи билан таништирди.

Ҳисобот юзасидан саволлар ва қўшимчалар бўлмади. Шундан сўнг, йиғилиш раиси сўзга чиқиб, жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини, шу жумладан бухгалтерия баланси, молиявий натижалар, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботларини тасдиқлашни таклиф қилди:

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор - 2 386 640 та овоз, 100%, қарши - 0, бетараф - 0.

8. Кун тартибдаги саккизинчи масала (Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш) бўйича жамият бош ҳисобчиси Д.Н.Шералиев сўзга чиқиб, жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича соф фойдаси 117 152 271 сўмни ташкил қилганлигини ва жамият Кузатув кенгаши томонидан олинган соф фойдани тақсимланишини кенг муҳокама қилиниб, қуйидагича тақсимланиши тавсия этилганлигини маълум қилди.

- 15 фоизини, яъни 17 572 840 сўми капитализацияга;
- 75 фоизини, яъни 87 864 204 сўми дивиденд тўлашга;
- 10 фоизини, яъни 11 715 227 сўми Инновацион фаолиятни қўллаб қувватлаш жамғармасига йўналтирилиши таклиф этилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор - 2 386 640 та овоз, 100%, қарши - 0, бетараф - 0.

9. Кун тартибдаги тўққизинчи масала (Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича жойлаштирилган акцияларнинг ҳар-бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартибини тасдиқлаш) бўйича жамият бош ҳисобчиси Д.Н.Шералиев сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларини жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича олинган соф фойдаси ҳисобидан ҳар-бир донга оддий акция учун 28 сўм 65 тийин миқдорида дивиденд акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилган кундан эътиборан олтмиш кун ичида қуйдаги тартибда тўлаб берилишини, яъни:

- жисмоний шахс бўлган акциядорларга - пластик карточкаларига пул ўтказиш йўли билан;
- юридик шахс бўлган акциядорларга - пул ўтказиш йўли билан ва шу тартибни тасдиқлашни таклиф қилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор - 2 386 640 та овоз, 100%, қарши - 0, бетараф - 0.

10. Кун тартибдаги унинчи масала (Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботини эшитиш) бўйича кузатув кенгаши раиси С.Махмараимов сўзга чиқиб, кенгаш ҳисоботини ўқиб эшиттирди. Кузатув кенгашининг йил давомида бўлиб ўтган йиғилишлари билан қисқача таништирди. Кузатув кенгаши раиси 2021 молия-ҳўжалик йилида ўтказилган йиғилишлар ва кузатув кенгашининг ваколатига киритилган масалалар тўғрисида қабул қилинган қарорлар юзасидан акциядорларни хабардор қилди.

Маъруза юзасидан саволлар ва қўшимчалар бўлмади, жамият кузатув кенгашининг ўз ваколати доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир

қонун ҳужжатларида белгиланган талабларига риоя этилиши юзасидан ҳисоботни тасдиқлашини таклиф қилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор - 2 386 640 та овоз, 100%, қарши - 0, бетараф - 0.

11. Кун тартибидagi ўн биринчи масала (*Жамиятнинг 2022 йил учун Бизнес-режасини тасдиқлаш*) бўйича жамият режалаштириш бўлими бошлиғи Р.Ражабова сўзга чиқиб, жамиятнинг 2022 йил учун Бизнес-режаси жамият Кузатув кенгаши томонидан батафсил кўриб чиқилганлиги, 2022 йил 2 июндаги йиғилишида маъқулланганлиги тўғрисида маълумот бериб, унинг мазмуни билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси жамиятнинг 2022 йил учун Бизнес-режаси иловага мувофиқ тасдиқланишини ва жамият ижроия органи жамиятнинг 2022 йил Бизнес-режа кўрсаткичларнинг бажарилишини таъминлаш юзасидан таклифни киритди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор - 2 386 640 та овоз, 100%, қарши - 0, бетараф - 0.

12. Кун тартибидagi ўн иккинчи масала (*Жамият кузатув кенгаши аъзоларини кейинги йиллик умумий йиғилишга қадар сайлаш*) бўйича йиғилиш раиси сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 63-моддасига асосан кузатув кенгаши аъзолигига 7 нафар номзодлар акциядорлар томонидан кузатув кенгашига такдим этилиши лозим ва кузатув кенгаши ўз йиғилиши қарори билан рўйхатга киритилган номзодларни сайлаш учун умумий йиғилишга киритади.

Шунингдек, “UzAssets Investitsiya kompaniyasi” АЖнинг 2022 йил 29 июндаги 01/04-2-141-сонли кўрсатмасида жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш масаласида “UzAssets Investitsiya kompaniyasi” АЖ томонидан кузатув кенгаши аъзоларига номзодлар такдим этилгунга қадар жамиятнинг амалдаги кузатув кенгаши таркибига киритилган номзодларга овоз берилиши белгиланган.

Шунга кўра, жамият акциядорларининг 2021 йил 30 июн куни ўтказилган умумий йиғилиши қарори билан сайланган кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатлари кейинги умумий йиғилишга қадар узайтирилишини таклиф қилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор - 2 386 640 та овоз, 100%, қарши - 0, бетараф - 0.

13. Кун тартибидagi ўн учинчи масала (*Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини кейинги йиллик умумий йиғилиш кунига қадар сайлаш*) бўйича йиғилиш раиси сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 63-моддасига асосан тафтиш комиссияси аъзолигига 3 нафар номзодлар акциядорлар томонидан кузатув кенгашига такдим этилиши лозим ва кузатув кенгаши ўз йиғилиши қарори билан рўйхатга киритилган номзодларни сайлаш учун умумий йиғилишга киритади.

Шунингдек, “UzAssets Investitsiya kompaniyasi” АЖнинг 2022 йил 29 июндаги 01/04-2-141-сонли кўрсатмасида жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш масаласида “UzAssets Investitsiya kompaniyasi” АЖ томонидан тафтиш комиссияси аъзоларига номзодлар такдим этилгунга қадар жамиятнинг амалдаги тафтиш комиссияси таркибига киритилган номзодларга овоз берилиши белгиланган.

Шунга кўра, жамият акциядорларининг 2021 йил 30 июн куни ўтказилган умумий йиғилиши қарори билан сайланган тафтиш комиссияси аъзоларининг ваколатлари кейинги умумий йиғилишга қадар узайтирилишини таклиф қилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор - 2 386 640 та овоз, 100%, қарши - 0, бетараф - 0.

14. Кун тартибдаги ўн тўртинчи масала (*Жамият бошқарув раисини кейинги йиллик умумий йиғилишга қадар сайлаш*) бўйича йиғилиш раиси сўзга чиқиб, жамиятнинг 2021 йил учун тузилган Бизнес-режасида кўрсатилган прогноз параметрлари бажарилмаганлиги учун бошқарув раиси лавозимига танлов эълон қилинишини таъкидлади.

Танлов натижаларига кўра жамият бошқаруви раиси лавозимига танланган номзод белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамаси билан келишилгунга қадар, жамиятнинг иш фаолиятини юритиши учун Х.С.Азимов бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи этиб тайинланишини таклиф қилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор - 2 386 640 та овоз, 100%, қарши - 0, бетараф - 0.

Кун тартибида кўриб чиқилган барча масалалар бўйича билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда овоз бериш натижаларига кўра умумий йиғилиш,

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Санок комиссияси қуйидаги таркибига Н.М.Зухурова, Р.А.Раджабова, М.Р.Хайитовалар тасдиқлансин.

2. Умумий йиғилиш регламенти қуйидагича тасдиқлансин:

- кун тартибдаги масалалар бўйича сўзга чиқиш учун - 5 минут;
- кун тартибдаги масалалар бўйича савол-жавоблар учун - 5 минут;
- овоз бериш ва бюллетенларни йиғиш учун - 10 дақиқа.

3. Жамият ижроия органининг 2021 йилда Бизнес-режа кўрсаткичлар параметрининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботи ҳисоботи **“қониқарсиз”** деб топилсин.

4. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича ташқи аудиторлик текшируви натижасида “ХВ Finance kolsulting” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан берилган аудиторлик хулосаси тасдиқлансин.

5. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича жамият Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тасдиқлансин.

6. Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича мустақил ташкилот хулосаси маъқуллансин.

7. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи, шу жумладан бухгалтерия баланси, молиявий натижалар, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин.

8. Жамиятнинг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича олинган **117 152 271 сўм** миқдоридаги соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- 15 фоизи, яъни 17 572 840 сўми капитализацияга;
- 75 фоизи, яъни 87 864 204 сўми дивиденд тўлашга;
- 10 фоизи, яъни 11 715 227 сўми Инновацион фаолиятни қўллаб қувватлаш жамғармасига йўналтирилсин.

9. Жамият акциядорларига жамият акцияларининг ҳар-бирига соф фойда миқдоридан **28 сўм 65 тийин** дивиденд тўлансин.

Дивидендлар акциядорлар умумий йиғилиши қарор қабул қилинган санадан 60 кун давомида ўрнатилган тартибда пул маблағлари билан тўлансин. Тўлов шакли - нақд ёки пул ўтказиш йўли орқали амалга оширилсин.

10. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботи тасдиқлансин.

11. Жамиятнинг 2022 йил учун Бизнес-режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин. Жамият ижроия органи томонидан жамиятнинг 2022 йил Бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилишини таъминласин.

13. “UzAssets Investitsiya kompaniyasi” АЖ томонидан Кузатув кенгаши аъзоларига номзодлар тақдим этилгунга қадар жамиятнинг амалдаги Кузатув кенгаши таркибига киритилган номзодларнинг ваколатлари кейинги умумий йиғилишга қадар узайтирилсин.

14. “UzAssets Investitsiya kompaniyasi” АЖ томонидан Тафтиш комиссияси аъзоларига номзодлар тақдим этилгунга қадар жамиятнинг амалдаги Тафтиш комиссияси таркибига киритилган номзодларнинг ваколатлари кейинги умумий йиғилишга қадар узайтирилсин.

15. Жамиятнинг бошқаруви раиси лавозимига танлов ўтказилиши таъминлансин. Танлов натижаларига кўра жамият бошқаруви раиси лавозимига номзод белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамаси билан келишилиб, жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида сайланиши белгилаб қўйилсин.

Жамият иш фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида Х.С.Азимовни шартли равишда жамият бошқаруви раиси вазифасини вақтинча бажарувчи этиб қолдирилсин.

Йиғилиш раиси С.Махмараимов акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши кун тартибидаги барча масалалар батафсил кўриб чиқилганлигини маълум қилиб, жамият бошқарувининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича ижобий фикр билдирди ҳамда келгуси ишларида муваффақиятлар тилаб, умумий йиғилишни ёпик деб эълон қилди.

Мазкур баённома 2022 йил 15 июлда тузилди ва имзоланди.

Йиғилиш раиси

С.У.Махмараимов

Йиғилиш котиби

С.Ашурова